



«ҚАЧОНГАЧА ФОҲИШАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ?»

Журналист Дилмурод Саидов кейинги пайтда «Постда» рўзномасининг доимий муаллифларидан бири сифатида танилиб бормоқда ва унинг ҳар бир чиқишида ҳаётимизда қалқиб турган энг долзарб муаммолар дадиллик билан кўтарилмоқда.

17 сентябрь куни чоп этилган «Қачонгача фоҳишаларни эъзозлаймиз?» номли мақола ҳам ана шундай мақолалардан биридир.

Чиндан ҳам бир қанча саволлар шу кунларда барчани бирдек ўйлантиряпти. Азал-азалдан ор-номус, ифбат ва ҳаё, садоқат ва вафо ватани бўлиши юртимизда ҳозир нелар рўй бермаяпти дейсиз. Остона ҳатлаб кўчага чиқишингиз билан одатий ҳолга айланиб бораётган манзарани кўриб, кўзларингиз уялиб кетади. Трамвай, троллейбус, автобусларда атрофидаги кишилардан истиҳола қилмай кучоқлашаётган, бир-бирини ялаб-юлкаётганлар... Айниқса, аёлингиз ёки қизингиз билан кетаётган бўлсангиз, қай йўл билан кўзингизни яширишни билмай қоласиз.

Агар дўппини бошдан олиб, мулоҳаза юритадиган бўлсак, имон ва эътиқодли юртдошларимизга мутлақо бегона бўлган бундай манзара фоҳишаларнинг тобора гуркираб ривожланишига замин яратаяпти, дейиш мумкин.

Бу борада дастлабки тақлифим — фуқароларнинг ёшидан ва миллатидан, ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар, кўча-кўйда, жамоат жойларида ўзини тутишини меъёрга солиб турадиган Қонун ишлаб чиқиши керак. Токи одамлар гавжум жойларда уялмай-нетмай ялаб-юлкашишлар жамоат тартибини бузиш ҳисоблансин.

Агар муаммоларнинг ичкарироғига кириб борадиган бўлсак, меҳмонхоналарда, қўналғою шохбекларда, ҳатто маданий ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган хиббон ва боғларда ҳам «ишқ овчилари» — фоҳишалар ва улар билан «музокара»га чоғланган эркакларни истаган пайтда учратиш мумкин. Бу, афсуски, аччиқ ҳақиқат.

Энг катта мағлубиятимиз, ҳатто таъбир жоиз бўлса — фожеамиз шундаки, бундай ҳатти-ҳаракатларни жиловлаш борасида ҳеч нарса қилолганимиз йўқ. Қўлга тушган фоҳишани текшириш учун теританосил касалликларни шифоҳонасига олиб борилади — шу билан бўлди! Кўрибсизки, «мушуги пишт дейилмаган» фоҳиша, ҳатто ўша милиционернинг устидан кулиб, эртаси кўни яна «касб»ини давом эттираверади.

Агар фоҳишабозлик билан шугулланганлар қаттиқ жиноий

жавобгарликка тортилмас, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, уларнинг фарзандлари давлат таъминотида олинмас экан, аҳвол бундан яхши бўлмайди ҳеч қачон!

Ҳозир нима бўляпти? Бир-бири билан жинсий алоқа қилаётган эркак ва аёлни қўлга туширдигиз дейлик. Агар фоҳишабозлик қилаётганларини тан олсагина, уларга бирор чора кўриш мумкин бўлар. Акс ҳолда ҳеч нарса қила олмайсиз. Шу ҳам Қонун бўлдимми?!

Биз шу пайтгача ўзимиз яшаётган жамиятни кўкларга кўтариб мақташдан чарчамадик. Мана, энди туман тарқаб, турмуш тарзимизнинг қандайлиги рўй-рост кўриниб қолди.

Уша пайтларда чет элларда махсус тиббий назорат остида фаолият кўрсатадиган исло-ватхоналар ҳақида эшитганимизда, ҳайратдан ёқа ушлаган, маънавий носоглом шахслар эса ўша жамиятда яшашни орзу қилган (гоҳ ошкора, гоҳ хуфёна) пайтлар ҳам бўлган. Ваҳоланки, ўша мамлакатларда исловатхона очилган бўлсада, кўча-кўйда ҳамма ўзини тутиб юради. Мана, биз ўзимизни, турмуш тарзимизни мақтаб-мақтаб қаерга келиб қолдик!

Турмуш тарзимизни тиниқлаштириб олиш учун қатъий

курашиш керак. Биринчи навбатда олис ўлкалардан «ишлаб, пул топиш» мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюраётганлар йўлига ғов қўйиш керак. Токи улар нопок қадами билан табарруқ заминимизни топтамасин. Ким нима деса десин, аммо мен бугунги ҳаётимизнинг жирканч томонлари ана шундай келгиндилар «шарофати» деб биламан.

Қолаверса, жумҳуриятда, асосан катта-катта шаҳарларда уй-жойлардан фойдаланиш борасидаги аҳволни чуқур таҳлил қилиш лозим.

Сир эмас, қишлоқдан келган, айни пайтда шаҳарда хизмат қилаётган бўлсада, уйли бўлишни орзу этаётган юртдошларимиз кўп. Ҳатто киндик қони тўкилган ўз шаҳрида каталақдай хонадонда сиқилиб истиқомат қилаётган кўп болали оилалар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, айрим бой-ваччалар икки-учталаб квартираларни банд қилиб олишган. Ана шундай жойларда наҳс, хиёнат ўсмоқда, улғаймоқда. Шундай чоралар кўриш керакки, адолат қарор топсин бу соҳада. Пули кўп, амали юқори, таниш-билиш зўр кишиларнинг ортиқча уйлари муҳтожларга олиб берилсин.

Раҳмонали
ТУРСУНАЛИЕВ,
милиция майори.

ОБУНА — 92

МУХЛИСЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

— «Постда» рўзномаси ой сайин қизиқарли ва ўқимишли бўлиб борапти, — дейди Зомин тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция капитани Икром Тошбоев. — Айниқса у ҳуқуқ-тартибот борасидаги энг ўткир муаммоларни кўтариб чиқаётгани билан ихлосимизни қозонди.

Келгуси йилда бу рўзномадан яна кўп нарсалар кутаямиз. Шу боисдан, шахсий тарқибимизга уюшган 107 нафар ходимларимиз 1992 йил давомида ҳам «Постда»ни мунтазам ўқиб бориш икониётини қўлга киритдилар.

Туман «Союзпечать»ни бошлиғи Бошим Норқуловнинг айтишича, Зоминда ҳозирга қадар 120 киши рўзномага обуна бўлган.

Илҳом ЮНУСОВ.

«ВОЛГА»ГА ХУЖУМ

Шу йил 28 февраль куни Гулистон шаҳридаги «Баҳор» ресторани қаршисига «Газ-24» белгили «Волга» машинаси келиб тўхтади.

Ўйловчилар эндигина тушиб улгуришган эдики, уч нафар шахс кутилмаганда ҳайдовчига хужум қилишди. Ғафлатда қолган Р. Репинни калтаклаб, пастга тушириб юборишди ва машинани олиб қочибди.

Тадбиркорлик билан олиб борилган қидирув натижасида бу зўравонлар қўлга олинди.

Начора, аввал ҳам судланган Б. Дмитрий, А. Бахтиёр ва А. Айдарлар бу сафар ҳам қиллишларига яраша жавоб беришга мажбур.

Ҳабиб ШУКУР.

ТУЗОҚҚА ТУШДИ

Худойберди Хонимқулов ошғи олчи тушганини кейин сезиб қолди. Наҳотки, қўлидан ҳар куни жарақ-жарақ, бели синмаган пуллар саналиб ўтсаю у бундан фойдаланмаса. Кўрмоқ бору ёмоқ йўқ эканда, деб ўйлаб юрган кунларидан бирида қурилиш материаллари сотиб оладиган бўлиб қолди. Ўйламай-нетмай кассадаги пулдан 3245 сўмини сарфлаб юборди. Лекин у ВХСС ходимларининг тузоғига илинишини ўйламаган экан.

Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек осонгина тинчиб кетишига умид қилган Х. Хонимқулов қилмиши билан ўзи кассир бўлиб ишлайдиган Воёвут туманидаги тайёрлов идорасига катта зарар етказди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон жиноят мажмуасининг 118-модда 3-қисми билан тергов ишлари олиб борилмоқда.

С. СУЛАЙМОНОВ.



Рўзномамизнинг ўтган сонидан эълон қилганимиздек, шу йилнинг 26 сентяб-рида пойтахтимизда «Динамо» бутуниттифоқ физкультура ва спорт жамиятининг амалий ўт ўчириш спорт бўйича бутуниттифоқ чемпионати бошланган эди. Якшанба куни чемпионатга яқун ясалди.


Командалар ичида Россия жумҳурияти вакиллари 47 минг 988 очко тўплаб, ғолиблик шохсупасига кўтарилди.

2-ўринни Санкт-Петербург шаҳрининг, 3-ўринни Украина жумҳуриятининг командаси олди.

Ўзбекистон командаси эса 33 минг 462 очко тўплаб, 6-ўринни эгаллади.

СУРАТЛАРДА: мусобақанинг очилишидан лавҳалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ
олган суратлар.



Яқинда ИИБ буйруғи билан милиция подполковниги ўткир Комилов Тошкент ўрта махсус милиция мактабининг бошлиғи этиб тайинланди.

У. Комилов 1947 йилда туғилган, миллати ўзбек, жумҳурият ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган.

Маълумки, ҳар қандай янги раҳбар, биринчи навбатда ўзгартириш ва янгиланган дегани. Ҳўш, милициямизнинг келажиги қандай бўлади? Эртага кимлар бизнинг ҳуқуқимизни ҳимоя қилади? (Ахир, милициямизнинг аксарият ходимлари шу ердан етишиб чиқади-да). Мухбирларимиз янги бошлиқ билан режалар, гоёлар, ўтмиш ва кўпчиликни қизиқтирган бошқа нарсалар ҳақида суҳбатлашиб қайтди. Эътиборингизга ушбу мусохабани ҳавола этмоқдамиз.

— Ўткир ака, суҳбатни сиз кутмаган савол билан бошласак. Агар сир бўлмаса, мактаб раҳбарлигига тайинланиш жараёни билан таништирсангиз. Ким сизга бу лавозимни таклиф этди? Бошқа номзодлар ҳам бормиди? Нега рози бўлдингиз? Ҳолбуки, сиз вазириликдаги энг катта бошқармалардан бирининг бошлиғи эдингиз.

— Кейинги йилларда мактаб раҳбарларининг қўнимсизлиги сабабли бу ерда носоғлом муҳит вужудга келган эди. Ўқитувчилар ва мактаб жамоаси ўртасидаги келишмовчиликлар, тартиб-интизомнинг бўшашиб кетиши каби ҳолатлар тезда ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммоларни юзга чиқарган эдики, бунинг охири-оқибати курсантларнинг билими, савияси пасайиб кетишига олиб келар эди. Шундай бир пайтда, албатта, ҳар қандай виждонли одам ҳам томошабан бўлиб туришни ўзига эп билмайдди. Шунинг учун ИИБ раҳбарияти таклифини қабул қилдим. Бошқа номзодлар ҳақида хабарим йўқ.

— Янги ишга ҳамма ҳам қандайдир ҳадик билан киришади. Бир томондан ўрганган ишнинг, таниш-билишларни ташлаб кетиш оғир. Иккинчи томондан, янги жойингиз муҳити. Бизнингча буниси асосийси бўлса керак. Мана, ўзингиз айтаяпсиз, мактабда носоғлом вазият вужудга келган экан, ҳўш, сиз мана шу ички ишлар идораларига мутахассислар тайёрлаш ўчоғидаги ишнинг нимадан бошладингиз?

— Тўғри таъкидладингиз, бир неча йил бирга ишлаган ҳамкасбларни қолдириб, янги жамоага кетиш ва ўзга муҳитда иш бошлаш осон эмас. Айниқса, бу ерда — мутахассислар тайёрлаш масканида. Унинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Ҳар бир ўқитувчи, сафдаги зобит интизомли, ўта пок ва ўз касбининг устаси бўлиши керак. Аксинча, бундай хислатларга эга бўлмаган мураббий бўлгуси зобитларга пухта билим бера олишини мен тасаввур ҳам қилолмайман.

— Янги раҳбар одатда фақат ўзига хос талабни қўяди. Ўз дастурини амалга оширади. Сизнинг қўлингизда мактаб фаолиятини яхшилайдиган салмоқли таклиф борми?

— Менинг мактабда бошлаган биринчи ишим шундан иборат бўлди-ки, бу олдинги саволингизга жавоб, ички муаммоларни чуқур ўрганиб чиқиб, дастур тайёрладим. Шунга асосан, биринчидан, вужудга келган носоғлом муҳитни бартараф қилиб, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида соғлом ва ишончли вазиятни юзга келтириш. Бунинг учун жамоа-

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК



нинг фикрини ҳисобга олиб, қатор талабаларни ўртага қўйдим.

Иккинчидан, бир қатор кечиктириб бўлмайдиган масалаларни баён қилиб, иттифоқ ички ишлар вазириликка юбордим. Лекин бу масалалар жавобини топмади.

Учинчидан, мактаб жамоаси билан биргаликда уни жумҳурият вазирилик иҳтиёрига ўтказиш мақсадида низом ва тадбирнома тайёрладик. Булар ҳозир ўз тасдиғини топди.

Асосий муаммоларимиздан бири шундан иборатки, шу пайтгача танловда ҳар бир ўринга 2-3 киши тўғри келаяпти. Албатта, бу жуда паст кўрсаткич. Ҳолбуки, олий билимгоҳларда ўртача ҳар бир ўринга 6-7 киши тўғри келади. Талабаларимизнинг аксарияти мактабни саёз билим билан ботириб кетишмоқда. Бунинг асл сабабини ўша танловдан излашга тўғри келади. Чунки унда имконият кенг эмас. Оқибатда ҳар хил савиядаги йигитлар талаба бўлиб қолмоқдалар.

— Юқоридаги саволини бежизга бермагандик. Кечаяна ушбу мактаб битирувчилари сизнинг қўл остигизда амалий иш бошлаган. Уларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги сизни қониқтирармиди?

— Умуман олганда, йўқ. Лекин тажрибамдан келиб чиқиб, шу нарсани айтишим мумкин-ки, эндигина зобитлик унвонини олиб, мустақил иш бошлаган ёш мутахассисларнинг аксарияти маълум қийинчиликларга дуч келишади. Албатта, билимининг саёзлигидан эмас,

балким тажрибанинг йўқлигидан ҳам. Бу табиий ҳол. Маълум муддат ўтгач, кўпгина тўсиқ ва қийинчиликлар ўз-ўзидан ортда қолиб кетаверади. Ёнг асосийси, ёш ходимни ишга олган бўлим раҳбарлари уларга ўз вақтида ёрдам бериб туришса бўлди.

— Мактабнинг ўқув базаси юксак малакали милиция зобитлари тайёрлашга қодирми?

— Мактабда юқори малакали тажрибали ўқитувчи

Ҳозирда бўш ўрин икки ярим мингдан ошдиқроқни ташкил қилади. Шу сабабли мактаб қошида сиртқи бўлим ташкил қилиш таклифи билан жумҳурият ички ишлар вазириликка чиқдик. Ўйлайманки, бу масала ижобий яқун топади.

— Ўткир ака, рўзномамизни кузатиб борган бўлсангиз, ўрта милиция мактабида ўқиш истагини билдирган ёшлар ўртасида кўплаб қизлар ҳам бор. Уларга қандай шартлар қўйилади?

— «Постда» рўзномасини мунтазам кузатиб бораман. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда мактабимизда ўқиш истагини билдириб, маслаҳат сўраган, истак ва таклифлар билдирган ўзбек қизларининг мактублари эълон қилинмоқда. Саволингизга келганда, шуни қувонч билан айтишим мумкин-ки, ўтган йилдан бошлаб ички ишларда хизмат қилиб, маълум стажга эга бўлган қизлар ўқишга қабул қилинаёпти.

— Келинг, мактаб тарихига ҳам тўхталсак. У қачон ташкил этилган? Ўтган йил давомида унинг кундузги ва сиртқи бўлимларини неча киши битирган?

— Мактабимиз жуда бой тарихга эга. 1932 йилда Иттифоқ ИИБ қошидаги махсус милиция мактаби сифатида ташкил қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида у шаклланиб, такомиллашиб борди. Биргина сўнгги ўн йил ичида 2085 киши кундузги, 1732 киши сиртқи бўлимларни битириб чиққан. Шу мактабда ўқиб, ҳозирда раҳбар ва масъул лавозимларда ишлаб келатганлардан жумҳурият ички ишлар вазирининг муовини милиция генерал-майори Ғофир Раҳимовни фахр билан тилга оламан. Бундан ташқари истеъфодаги генерал-майор Мухтор Султонов, жумҳурият ИИБнинг кўпгина масъул лавозимларда ишлаб келган, ҳозирда эса муовиним, тажрибали ҳуқуқшунос, милиция полковниги Зайнитдин Нажмитдиновлар ҳам шу ерни битиришган. Умуман олганда, буларнинг рўйхатини жуда узок давом эттириш мумкин.

— Қирғизистон жумҳурияти президенти Аскар Акаев Фармони билан Бишкекдаги ўрта милиция мактаби олий мактабга айлантирилди. Бизда ҳам жумҳурият ИИБ иҳтиёрида бўлган ана шундай мактаб яратиш зарурати туғилмадими?

— Яқинда мактабимиз жумҳурият иҳтиёрига ўтказилган эди. Жумҳурият мустақилиги эълон қилиниши натижасида Тошкент олий милиция мактаби ҳам жумҳурият иҳтиёрига ўтди. Шунинг учун бунинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

— Ўткир ака, аста-секин ички ишлар ҳаётига ҳам давлат тилини қўллаш кириб келмоқда. Ўқув жараёнини ўзбек тилида ўтказишга муносабатингизни билишини хоҳ-

лардик. Рўзномалардан биринда айтилишича, милиция мактабларида машғулоти маҳаллий тилда олиб бориш ўқув-тарбия жараёнини издан чиқарар эмис. Наҳотки, бир тилдагина тарбияси зўр, малакаси ўткир мутахассис тайёрлаш мумкин бўлса?

— Бу саволингиз ҳозирги куннинг энг долзарб ва энг оғриқли масалаларидан бири, деб ўйлайман. Мана ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам икки йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида бу ерда қандай ишлар қилинган, деган савол туғилиши табиий. Айтишим мумкин: ҳеч қандай! Иттифоқ иҳтиёрида бўлгани туфайли ҳам ўзбек тилида дарс олиб боришга мутахассислар етишмаган, дарсликлар йўқ, десам ажабланарсиз. Илгари бу масалада ҳеч ким бош қотирмаган ҳам. Менимча, бу масалани ҳал қиладиган вақт келди. Бунга қанча тез киришсак, шунча яхши. Энди ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Қонуннинг 14-бандида ҳам аниқ, равшан ёзиб, муддати белгилаб қўйилган. Уни бузишга эса ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Талабаларимизнинг 94 фоизи маҳаллий миллатга мансуб йигитлар. Ўқиш рус тилида олиб борилаётганлиги сабабли улар пухта билим олишолмаяпти. Вилоятлардан келган кўпгина йигитлар объектив сабабларга кўра бу тилини ўрганишолмаган.

Бу борада ўзимнинг режа ва таклифларим бор ва уларни вазирилик раҳбарияти муҳокамасига тақдим қилганман. Ўйлайманки, бу масала тез кунда ижобий ҳал этилади. Вилоятлардан келган талабалар ўз она тилларида чуқур билим эгаллаб, етук мутахассислар бўлиб чиқишларига ишончим комил. Бу ишларни жонлантириш учун эса бизга маълум миқдорда маблағ керак, келгуси йилдан бошлаб кириш ва битириш имтиҳонлари ўзбек тилида ўтказилади.

— Энди бирмунча енгилроқ саволларга ўтсак. Шубҳасизки, рўзномасаварларни онлангиз ҳақидаги маълумотлар қизиқтиради...

— Аёлим адлия вазириликда маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Қизим эса шу йили Тошкент халқ ҳўжалиги олий билимгоҳини битириб, меҳнат иқтисодчиси мутахассислиги бўйича диплом олди.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Бўш вақт жуда кам бўлади. Ундан имкони борида унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Тарихий ва классик адабиётларни ўқишни ёқтираман.

— Савимли ёзувчиларингиз ҳам бордир?

— Албатта. Бобур, А. Қодирий, В. Пикун, Б. Пастернак асарларини кўпроқ ўқийман. АлБухорий, Ат-Термизий ҳадисларига ҳурматим баланд.

— 1992 йил учун «Постда»га обуна бўлдингизми?

— Ҳа, албатта. У менинг савимли рўзномам.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатни Ғайратжон БОЛТАБОВ, Мирхон МИРАҲМЕДОВлар ёзиб олишди.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЭНГ ҚУЛАЙ УСУЛ

Ўғирликнинг энг осони мол етаклаш экан. Менга қолса, нималар дейишим мумкин, барибир сиз ишонмайсиз. Чунки бошидан ўтганнинг қошидан ўтма, деган гапга амал қиласиз. Лекин «бошидан ўтказганлар» ҳам борда. Худди ўшаларнинг тажрибасига

суянган ҳолда айтаяпман бу гапларни.

Ф. Виктор Калинин туманида яшайди. Ҳеч қаерда ишламайди. Муқаддам судланган. Икки марта уйга ўғирликка тушган, учта мол ўғирлаган. У кириб чиққан уйлар шип-шийдам бўлиб қолган.

Ҳамма нарсани «тозалаб» кетишга ўргангани сабабли эски кийим-кечакдан тортиб янги жиҳозларгача, ҳаммасини (оғир бўлса-да) орқалаб кетган.

Ўзингиз ўйланг, кийим-кечак, бошқа тақир-туқурлар даштага ўтлагани бормаиди, молларни эса қолда орқалаб юришга ҳожат йўқ. Бу фикр биринчи бўлиб менинг эмас, Викторнинг калласига келди.

Эски бошга янги фикр, лекин ажойиб. Бирданга иккита қулайликка эга бўлган мол ўғирлаш ҳадисини олган Виктор шу йилнинг 9 июнига ўтар кечаси дала шийпони ёнида қолдирилган фуқаро А. Нурмоновнинг молини етаклаб кетди.

Туман милиция ходимлари олиб борилган қидирув ишлари натижасида бировнинг дала ҳовлиси эшикларини бузиб,

ичкарида ароқ ичиб ўтирган Виктор ва ҳамтовоқларини қўлга олишди. ИИБ жиноят қидирув бўлимининг катта тезкор вакили милиция капитани Шукур Қанонов режалаштирган тадбирлар натижасида «қаҳрамон»имизнинг ҳамма қилмишлари очилиб қолди.

ИСРОФИЛ.

«ҚИЗИЛ ДЕВ»ДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Халқимизда ўт балосидан асра, деган ибора бор. Дарҳақиқат, ёнғин инсон учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирадиган бало-дир. Ёнғин чиқишига, асо-сан, нималар сабаб бўлади?

Аввало болаларнинг ўйин-қароқлиги, эҳтиёсизлик, электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслики.

Шу йилнинг август ойида Нукус шаҳрининг Куйбишев кўчасида жойлашган видео-текада электр токининг охири кетганлиги оқибатида қаровсиз қолдирилган кондиционердан ёнғин чиқади. Натижада катта миқдорда моддий зарар кўрилди.

Фуқароларнинг ўзлари «ихтиёс» қиладиган электр асбоблари ёнғин чиқиши учун энг қулай воситалардир.

Масалан, шу йилнинг 19 июлида фуқаро Д. Шинтековнинг «кашфиёти» натижасида А. Бегимов кўчаси бўйлаб ўтган электр симидан ёнғин чиқди. Келтирилган зарар 1000 сўмни ташкил этди.


Газ асбобларидан нҳоят даражада эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Газ ҳиди анқиган хоналарда зинҳор гугурт чақиш ёки электр чирогини ёқиш мумкин эмас. Акс ҳолда портлаш юз беради.

Олтинчи август куни Қизкеткен посёлкасининг Академик кўчасидаги 1-уйда носоз газ баллон олдидан гугурт чақиш натижасида портлаш содир бўлди. Бинога моддий зарар етди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жароҳатланмади.

Кўп ҳолларда ота-оналар фарзандларини хонадонларда, ўтовларда қаровсиз қолдирадилар. Болалар эса болалигига бориб, қўлига тушган нарса билан ўйнай бошлайдилар. Агар гугурт ўйинчоқ вазифасини ўтаса борми...

10 август куни Қўнғирот шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Жанабай Реймов фарзандлари — 4 ёшли Денис ва 3 ёшли Дамири ўтовда қаровсиз қолдирди. Орадан бирмунча вақт ўтиб ўтов қизил олов ичида ёна бошлади. Норасидалар қулфлоглиқ ўтов ичида қолиб кетдилар...

У. ЖАЛИМБЕТОВ,
ички хизмат катта лейтенан-ти.



1983 йил. Ноябрь ойи. Норин тумани ички ишлар бўлими бошлиғи хонасида оператив йиғилиш ўтказилмоқда. Шу вақт ички телефон жиринглади. Бу навбатчи. Бошлиқ унинг сўзини бўлмади тинглади. Фақат йиғилишда қатнашаётган оператив ишлар бўйича ўринбосари милиция капитани Тўлқин Ботировга, терговчи милиция катта лейтенанти Мухаммаджон Тожибоевга, жиноят қидирув бўлинмасининг бошлиғи милиция катта лейтенанти Абдурахмон Расуловга маъноли қараб қўйди. Бироз нима-нидир ўйлади-да:

— Жўжа қишлоғининг фуқароси 6 ёшли боласини йўқотиб, учинчи кунни ўлигини дарёдан топибди. У қотилини топиб беринглар, деб гўдакни ўша жойдан кўтариб келибди. Жиддий масала. Ботиров, Тожибоев, Расулов, Раҳматовлар ишга киришсинлар, — деди.

— Биз, — эслайди терговчи, — навбатчи олдидан фарзандининг яланғоч жасадини қўлидан қўймаган инсонни кўриб, қандай ҳолда турганини тушундик. Болани хонта-тага ётқиштириш илтимос қилдик.

— Шу гўдак бола кимга ёмонлик қилиши мумкин! Унинг ўрнига мени ўлдирса бўлмасмиди! — дерди ота ғазаб билан.

Унга насиҳат қилиб, ўзини қўлга олиши, агар қотиллик содир бўлган бўлса, қидирув ишига ёрдам бериш кераклигини айтишди. Ота ўзига кела бошлади. Аммо бетўхтов титрар эди. Бола танасини кўздан кечирдик. Бўйинда айлана шаклида қизил из қолганди.

— Балким, ўзи сувга тушиб кетгандир! — савол ташлади кимдир.

— Йўқ. Бола ўлдирилган, — деди қатъий терговчи, — мен қарор тайёрлайман. Раҳматов, ота билан суд-тиббийот экспертизасига бориб, ҳулосани ўзингиз олиб келинг.

Терговчи уларни Учқўрғон тумани суд-тиббийот экспертизаси бюросига жўнатди. Бир ярим соатлардан сўнг сабри чндамай телефон қилди.

— Мухаммаджон, сизни тушунамиз, — деди экспертиза ходими Насриддин Назаров. — Бола бўйиқ ўлдирилган. Кейин сувга ташланган. Болани орқа чиқарув жойида жароҳат бор, бунга алоҳида эътибор беринг.



Ҳа, бу икки ходим, бир-бирларини ҳурмат қилишар, кези келганда бир-бирларидан ёрдамни аямасди. Оператив гуруҳ жиноят содир бўлган Жўжа қишлоғига келиб, таянч пунктини ўзига штаб қилди.

— Боламиз ювош эди. Уйдан узоққа кетмай ўйнардди. Ўша кунни кеч соат 8 ларда йўқолди. Кейин излашга тушдик. Икки кеча-кундуз маҳалла аҳли билан қидирдик.

Кенгашли тўй тарқамас, дейдилар. Иш жараёнида ҳам бу ибора ўз кучини йўқотмайди. Сиз кўриб турган ушбу суратда Пскент тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Дилмурод Жўрабоев ва ДАНБ бошлиғи милиция майори Жумабой Турсуновлар (ўнгда) ДАН ходимлари милиция сержанти Нурали Мирвосилов, милиция катта сержанти Каромали Ҳасанов, милиция кичик сержанти Ислам Утановларга маслаҳат ва топшириқлар беришмоқда. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.



Учинчи кунни чидай олмадим. Бир ўзим дарё қирғоғидан кетавердим. Уч километрча юрган эдимки, узоқдан қирғоқда бир нарса кўринди. Югурдим. Не кўз билан қарайки, менинг ўғлим. Унинг ёнида ҳушимдан кетибман, бу ёғини ўзингиз биласиз...

— Сиз савдо ходимсиз, бирон кишида гумонингиз йўқми? Кимгадир ноёб мол бермай дилини оғритиб қўймаганмисиз?

— Йўқ, бундай бўлган эмас.

Шундан кейин терговчи режа тузди. Шу қишлоқда яшовчи ишламай юрганларни, муқаддам судланганларни, жиноят қилишга мойил бўлган кишиларни оператив йўл билан аниқлаш керак.

Иш бошланди. Ахборот ўз-ўзидан келмайди. Уни излаш, кўп кишилар билан гаплашиш лозим.

Тадбир давомида жабрланувчига яқин жойдаги маҳаллада яшовчи Рустам исмли йигитга гумон тушди. Бонси армия хизматидан келганига 6 ой бўлсада, ҳеч қаерда ишламайди. Уйланмаган. Оператив гуруҳ қидирувни бошлаган кунни у уйдагиларга: «Мен Наманган шаҳар аврли газламалар комбинатига ишга кирдим», — дегани маълум бўлди. Эртаси кунни участка инспектори Раҳматов комбинат кадрлар бўлимига ҳақиқатни билиш учун жўнатилди. У ерда бундай йигит мурожаат қилмаганини айтишди. Уй бекаси Раиса терговчига эрининг, ўғли Рустамнинг паспорт ва ҳарбий билетини кўрсатди. Ишга кирмоқчи бўлиб кетган киши нега паспорт ва ҳарбий билетини олмаган! Демак, йигит алдаган. Гуруҳ диққат-эътиборни шу йигитга қаратди. Кўп ўтмай янги маълумот олинди. Андижон вилоятидаги Балиқчи туманининг омонат кассасида унинг номига катта миқдорда пул қўйилган. Нега Балиқчида, ўзи яшайдиган туманда эмас! Омонат кассасига пул беришни тўхтатиш тўғрисида хат ёзилди. Бонси пулни олиб, жуфтанини ростлаш мумкин.

Рустам таянч пунктга қақиртирилди. У кеч соат 7.30 ларда келди. Баъзан тасодифлар, қутилмаган воқеалар жиноят очилишига катта ёрдам беради. Йигит хонага кириши билан ДАН ходими милиция старшинаси Ҳошимжон Машрабов Рустамни кўриб деди:

— Адолат борми ўзи!

— Нима гап! — сўради ундан ҳеч нима тушунмаган терговчи.

— Мана шу йигит бир ой бурун моторли велосипедни маст ҳолда бошқариб, қоида талабини кўпол равишда бузган эди.

Мен тўхташ ишорасини қилсам, узоқдан туриб мени тошбўрон қилган. Ҳужжатлаштириб, участка инспекторига берганман. Тўғрими!

ДАН ходими тиззасига қалтироқ тушган Рустамга юзланди.

— Ҳа-а...

— Мен унга 30 сўм жарима солганман, — деди участка инспектори.

Рустамнинг ранги оқариб, бирдан қалтираб бошлади. Халқимизда темирини қизғида бос, деган нақл бор. Терговчи Рустамнинг кўзларига қараб: «Нега болани ўлдириб, дарёга ташладинг. Айтиб қўяй, терговда ҳақиқатни гапирсанг, айбинг енгиллайди, нега бўғдинг!» — деди.

— Ака, шу ишни мен қилганман, — деди дудуқланиб у.

— Ўтир, шошмай, бир бошдан гапир!

— Мен моторли велосипедимда Қурбонли ака уйи олдидан ўтиб кетаётим, 6 ёшлардаги болани кўриб қолдим. Писта бериб алдаб, бир километрча узоққа олиб бордим. Ёўза ичида... Бола додлаб: «Дадамга айтаман», — деди. Ўзим ҳам бил-



майман. Кўрдим. Битта гўзани илдиз билан сугуриб, бўйнидан бўғдим. Бола ўлди. Шу жойда қолдириб, уйимиздан бир шиша бензин олиб келдим. Кийимларини ечиб, ёқдим. Ўзини Норин дарёси сувига отдим. Мен топиламаса керак, деб ўйловдим. Айб-дорман.

Ҳа, оператив гуруҳ тўғри йўл тутиши туфайли жиноят учинчи кунни кечқурун очилди. Норин тумани халқ суди жинойи ишни кўриб чиқиб, қотилни 10 йилга озодликдан маҳрум этди. Жазони эса қучайтирилган режимни ахлоқ тузатиш муассасасида ўташ ҳақида ҳукм чиқарди.

Неъматжон МАМАЖОНОВ,
милиция майори.

МАЛИКАНИНГ «МЕҲМОН»ЛАРИ

Шу йил 11 февраль куни Қарши шаҳридаги Комсомол кўчасида истиқомат қилувчи Тўйчи Раҳимов уйига ўғри тушганлиги ҳақида жиноят қилди. Одатдагидек, зудлик билан опергуруҳ ишга киришиб кетди.

Бир неча кунлик қидирув ишлари натижасида Наманган вилоятидан шаҳримизга меҳмон бўлиб келган уч йигит — Исроил Маҳмудов, Даврон Иброҳимов, Иззатулла Раҳматуллаевлар қўлга олиндилар.

Тергов жараёнида уларнинг ҳақиқий башаралари фош этилди. Мен ҳам бунини рўзномасевлардан сир тутмоқчи эмасман. Марҳамат, танишинг:

Гуруҳ бошлиғи Исроил Маҳмудов Уйчи туманида туғилган, муқаддам ўғирлик қилганлиги учун бир неча марта судланган. Ҳеч қаерда ишламайди. У шаҳримизда яшовчи синглиси Малика Узоқованинг хонадонидан кўнни топиб, фуқаролар мулкига кўз олайтириш билан мунтазам шуғулланган.

1968 йилда туғилган Даврон Иброҳимов ва 1973 йилда таваллуд топган Иззатулла Раҳматуллаевлар ҳам ғирт бекорчи, ўз тиллари билан айтганда «эркин қуш».

Халқимизда меҳмон отангдан улўғ, деган нақл бор. Лекин қанақа меҳмон — гап ана шунда. Тузини ичиб, туз-лигига тупурадиган меҳмонларнинг баҳридан ўтиш керак. Афсуски, бу фикр ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган кўринади. Акс ҳолда бу уч «қаҳрамон» ўтган йил охи-рлари ва бу йил бошлари да-вомида 15 марта жиноят қилишга улгурмаган бўлишарди.

Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун уларнинг саргузаштларга «бой» фаолиятларидан мисоллар келтирайлик.

Ўтган йилнинг 20 декабрь куни шаҳарнинг 2-ўраминида истиқомат қилаётган Штраниянинг уйига бостириб киришди. Хонадон соҳибсини обдон калтаклаб, 742 сўмлик буюмларини олиб чиқиб кетишди.

22 декабрь куни Кат кўчасидаги Ш. Қурбонов уйига қадам ранжидида қилишди. Ими-жимиди 4 минг 300 сўмлик молларини қўлтиқлаганча жўнаб қолишди.

24 декабрь куни Яқир кўчасида турадиган Ш. Болтаеванинг пешона тери эвазига келган 9 минг 217 сўмлик мол-мулкни йўқ бўлди.

26 декабрь куни Ўлжабоев кўчасида яшайдиган А. Асроровга тегишли 140 сўмлик жиҳозларни «ўзлариники» қилиб олишди.

Яна шу кунни «Янги ҳаёт» кўчасидаги хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи К. Алимардоновани чўв туширишди. Унинг 1 минг 802 сўмлик буюмларини енг ичида ўмаришди.

Хуллас, Қарши шаҳрилик М. Пардаева, М. Эрназарова, Н. Дилова, К. Бўриева, Р. Тиловова, Қарши туманидаги Комсомол қишлоғида яшовчи К. Раҳимов, «Орол овул» қишлоғида яшовчи М. Темирова-лар ҳам Маликанинг «меҳмон»лари жабрини чекишди.

Қурбонмурод ХУЖАНОВ,
Қарши шаҳар ИИБ тергов-чиси милиция капитани.

«ПОСТДА» РЎЗНОМАСИ КАТТАКОНЛАРИДАН
БИРИХУШЕРБЕККА РИШТОН ТУМАНИЛИК
РАҲМОНЖОН АҲМЕДОВ, МАДАМИНЖОН
ҚОДИРОВЛАРДАН

АРЗНОМА



Муҳтарам Хушёрбек!
Бизким, мажкур номани битганлар Риштон туманидаги Жалаер қишлоғида таваддуд ҳамда қўним топганмиз. Ҳар иккимизда ҳам қалдирғоч полопонлари каби кўз тутиб турадиган чурвақалардан бор.

Авалло айб ўзимизда. Номажкур бузоқнинг гўштини едик. Аммо беайб парвардигор, деган нақл ҳам йўқ эмас.

Яхшиси, Сизга тушунарли бўлсин учун гапни мухтасар қилайликда, бошимизга соя ташлаган қора ишларни ибтидосидан баён этайлик.

Ўша кун кеч соат 23ларда Бешкапа пахта тайёрлаш пункти рўпарасида «қиттай-қиттай» қилмоқчи бўлувдик, андак ошириб юборибмиз.

Э, йў-ў-ў, ароқ деган «жаноби олийлари» отликқа топилмапти. Бизга ўхшаган фақир-бечораларга вино дуруст. Юмшоққина, ютуми ҳам ёмон эмас.

Маъзур тутинг, Хушёрбек, бир оз «лирик чекиниш» қилиб юборибмиз.

Кейин Баҳодир, Маъмурлар энди атак-чечак қадам ташлаётган боладай туртиб-суртиниб уйларида жўнашди. Биз эса кетмадик! Яна ўтириб ичмаган номард, дедик.

Афсуски, чўнтақларимиз «мардларга ярашмайдиган» ахволга тушиб қолганди. Нима қилти, «Ингит боши омон бўлса, пулли бўлар, пулсиз қолмас» деган ашула бор эди. Бироз шуни хиргойи қилдик. Кейин Куйбишев матлубот жамиятига қарашли шиша идишлар қабул қилувчи дўкон омборхонасига мўраладик. Шундоққина тахта девор ортида бўш шишалар ялтираб кўринди, бизнинг оёқларимиз эса қувончдан қалтираб кетди.

Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битган экан. Иккита тахтасини қўпориб, девордан туйнук очдик. Ҳатто қоровул деган валломати ҳам сезмади. 2 та яшикда 40 дона «Пепсикола» шишаларини олиб чиқдик.

Ана энди биздан бахтиёр одам йўқ! Интилганга толе ёр, деб шуни айтишадиди. Қўйиб берса, шишаларнинг атрофида ўйинга тушмоқчи эдик, лекин ўзимизни қўлга олдик.

Бу ердан унча узоқ бўлмаган хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи Эркинжонни безовта қилишга ҳаддимиш сизди. Биз учун шикирлаши жононлар кулгисидан ҳам ёқимлироқ бўлган шишаларни унга бердикда, 14 сўм пулини олдик.

Шу ерда хафа бўлмангунча битта мақолни келтирамиз. Ўзи ҳам йиртиқ либосга тушган ямоқдек ярашади. Пул бўлса, чапалда шўрва! А, лаббай?

Яна битта винои оромжонни «уриб» олдик.

Буниси ўткирроқ экан чоғи, бутун вужудимизда қон кўпириб оқа бошлади. Ҳадик ва андиша деганларига сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди.

Пахта қабул қилиш пунктига девор ошиб тушдик. Тўғри ишчиларнинг дам олиш хонасига қараб юриш қилдик. Нархи 210 сўм турадиган «Весна-346» телевизорни ва 16 сўмлик трансформаторни битта чойшабга ўраддикда, кўчага олиб чиқиб кетдик.

Биз Сизга айтсак, халқимиз жуда доно. Мисол учун гилам сотсанг қўшнингга сот, бир четиди ўзинг ўтирасан, деганлар. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таниши-

миз Оллоберди Тошбоевнинг дарвозасини тақиллатдик. Лекин ҳафсаламиз пир бўлди. Раҳмат айтиш ўрнига: «Менга телевизор керак эмас. Икковинг ҳам шамолдаги дарахтдай чайқалиб, оёғингда зўрра турибсан, бор йўлингдан қолма!» — деб ҳайдаса бўладими! Бунга яхшиликка ёмонлик, дейдилар.

Иброҳим деган танишимиз ҳам пул топиб, ақл топмаганлардан биттаси экан. Телевизорни олмади. Баттар бўл, дедикда, тунги соат 2 бўлишига қарамай Анвар Султоновниқига равона бўлдик.

— Мадаминжон уй тўйи қилганда совғага келганди, — дедик ёлғонни худо кечирсин деган илтижо билан. — Бизга ҳозир пул керак бўлиб қолди, олинг.

Анвар ҳам жуда қув болада, бир оз ўйланиб тургач:

— Майли, 220 сўмга оламан. Лекин пулини эртага бераман, ҳозир ёнимда йўқ, — деди.

Нима биз пул кўрмаганмизми! Эртага бўлса эртагада. Рози бўлиб, уйимизга қайтдик.

Кечаги кайф бахт қуши Хумодек яна учиб кетди. Лекин бошимиз ари уясидек ғувиллайди. Секин-аста пахта тайёрлаш пунктига бордик. Ёпирай, у ерда милиционерлар юганини кўрдик. Лаблиримизга учуқ тошиб кетди.

Кечқурун соат ўнлардан кейин Анвардан телевизор ва трансформаторни қайтариб олдик. Пункт ичкарасига билдирмай қўйиб чиқдик. Чойшаб қаерда қолган, тўғриси, эслолмаймиз.

Ана энди индаллосини эшитинг. Яқинда туман халқ судида бизни қора курсига ўтқазиб қўйиб роса муҳокама қилишди.

Мана суд ҳукми, Хушёрбек, ўқингун ўзингиз хулоса чиқаринг. Бу адолатданми-йўқми, кейин баҳо беринг.

«...Аҳмедов Раҳмонжон Тўхтасинович жиноят мажмуаси 114-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилсин, муддати 3 (уч) йилга озодликдан маҳрум қилинсин. ЖМнинг 232-моддаси қўллалиб, жамиятдан ажратиб қўймаган ҳолда меҳнатга мажбурлан жалб қилинсин. Унга тегишли мол-мулкни давлат фойдасига мусодира қилинсин.

Қодиров Мадаминжон Тожибоевич ЖМнинг 114-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилди, муддати 3 (уч) йилга озодликдан маҳрум қилинсин. Жазони умумий режими ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасида ўтасин...»

Нафсиламбрини айтганда, Хушёрбек, бу дунёда адолат йўқ экан. Ахир, биринчидан, мастликда ўғирликка қўл урдик. Иккинчидан, бунга ўғирлик демаса ҳам бўлади. Чунки телевизор ва трансформаторни яна жойига келтириб қўйдикку!

«Пепсикола» шишалари, 14 сўм пул ва 5 сўм 10 ти-йинлик чойшаб қолди. Нима, шу арзимаган нарсалар учун ота гўрико қозихонами? Шунчалик бўлса, бу нарсаларнинг қийматини тўлашга «любой» вақт қурбимиз етади.

Агар бир яхшилик қилиб, юзимизни ёруғ қилсангиз, умрбод эсдан чиқармаймиз. Туманимизга келганингизни эшитсак бўлгани, ўзимиз топиб оламиз. Кейин «уч-уч»дан йиғиб (Сиздан олмаймиз албатта), бу муваффақиятни вино билан ювамиз.

Салом билан
Р. АҲМЕДОВ,
М. ҚОДИРОВ.
Риштон тумани Жалаер қишлоғи.

ХУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

4. Биринчи навбатда уй-жой билан таъминланиш ҳақида

Вазирлар Кенгашининг 1981 йил 23 февраль қарорига кўра, ҳарбий хизматни ўтаётганда ярадор, контузия, майиб ва касал бўлган ногиронлар Улуғ Ватан уруши ногиронларига тенгдирлар.

Шунга асосан «афғон»лар навбатсиз уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам бу ҳуқуқдан тўла фойдаланадилар.

Мажкур имтиёзлар доираси 1983 йил 17 январь қарори билан янада кенгайтирилган.

Ўзбекистон Жумҳурияти Президентининг 1990 йил 8 майдаги Фармонида қуйидагича ёзилган:

«1991 йилда Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган кишилар (яъни «афғонлар») уй-жой билан таъминланишлари лозим.

Агар уй-жой учун 1990 йил 1 январгача рўйхатда туришган бўлса».

Тошкент шаҳар ижроқўми ва Тошкент вилояти касаба уюшмаси тошкентликлар учун алоҳида қарор чиқарган. Унда Улуғ Ватан уруши ногиронларининг, уларга тенглаштирилган кишиларнинг, болаликдан ногирон бўлганларнинг уй-жой шaroитларини яхшилаш мақсадида шаҳар ҳудудидида 5 йиллик қайди (пропискиси) бор-йўқлигига қаралмаслиги таъкидланади.

Муҳаббатни бўлолмаган оға-инилар

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Рафазл Бедердинов 1986 йилда 15 ёшга тўлди. Ва шу йили жамоат мулкини ўғирлагани учун қора курсига ўтирди. Қисқа муддатли жазони ўтаб чиққач, давлат мулкини ўғирлагани учун яна 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бу вақт ҳам ҳаю-ҳайт дегунча ўтди-кетди. Рафазл яна озодликка чиқди. Афсуски фақат кўргина ҳасасини бир марта йўқотар экан. У яна «қора курси»га ўтирди. Воқеа бундай бўлган эди.

Ўша кун Рафазл қаттиқ кайф билан уйга кириб келди. Бу пайт укаси Тимур бирга юрадиган қизи билан диванда ўпишарди. Рафазл кўзларига ишонмади. Чунки бу қиз у билан ҳам севишган бўлиб, Рафазл унга уйланиш илинжида юрган эди. Тўсатдан эса «мана сенга», дегандек бунақа бўлиб ўтирса. Унинг кўзларига қон тўлди. Қизга, сен нариги хонага чиқиб тур, укам билан ҳисоб-китобимиз бор, дедию у билан айтишиб кетди. Иккаласи ҳам жаҳлини тийишолмади. Ака мушт туширди, ука калла қўйди. Ҳазабга миниб, ўзини йўқотиб қўйган Рафазл укасини кўрқитиб қўймоқчи бўлиб пичоқ ўқталди. Лекин...

Тимурни қўшнилар касалхонага жўнатишди.

Судда қизга савол берилди:

— Айтингчи, Тимурнинг акаси Рафазл билан ҳам юрганмисиз?


— Ҳа. Лекин у ўзини тутта билмаслиги, эгрилиги учун ундан бездим. Тимур эса бошқача. Мен унга ишонаман. Шунинг учун ҳам ана шу нохуш воқеа бўлган кун уларниқига борган эдим.

Воқеа содир бўлмасидан уч ҳафта бурун қиз Тимурга Рафазл билан эмас, у билан дўст бўлмоқчи эканини айтди. Ва бунга Рафазлдан сир тутгани йўқ. Оқибатда иккаласи уришиб қолишди. Ўша машъум кунда қизга Тимур кўнғироқ қилиб, уйда ҳеч ким йўқлигини айтди. Кечки пайт эди. Қиз ҳам қанот боғлаб учиб келди. Қаноти қайрилиб қайтди.

Суд ҳукми билан жиноятчи ака беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Тимур эса касалхонадан даволаниб чиқди.

Ўз-ўзидан ҳақли бир савол туғилади. Нега шундай бўлди? Хўш, бунда асосий айбдор ким? Албатта, айбнинг ҳаммасини акага ағдариб мулкин... Лекин қолган иккаласи-чи? Ҳодисанинг маънавий томонлари ҳам бор-ку? Рафазлнинг айбини инкор қилмаган ҳолда, айтиш мумкинки, агар Тимур ҳам, қиз ҳам ўзларини тушунган, тарбияланган кишилардек тутишганида бу ҳодиса бўлмаслиги аниқ эди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.



НОН ҲАҚИДА

Қон босими ошганда, асаблар изтиробга тушганда хамиртурушни илиқ сувада эритиб ичиш тавсия қилинади.

Нонни мева мураббалари ва қиёмларига теккизиб ейилса, ҳазми таом бўлади.

Нонни туз билан янчиб, сувада хўллаб, темирлаткига суртиб тузатиш усули ҳам халқ табобатидан келиб чиққан.

Иштаҳа қирқилганда ҳам, қорни жуда оч қолганда ҳам бир парча қора ноннинг сиртига саримсоқ пиёз сурқаб,

туз сепиб, еб кўринг-а, ҳузур қиласиз.

Гўшт қийма ёки жизза қўшиб тайёрланган нондан бир тўйиб еган кишининг қувавати ошади. Озиб-тўзи кетган беморлар ана шунақа нондан еб турсалар, шифо топадилар.

Қаттиқ шамоллаганда, тумов бўлганда пиёз тўғраб, қалампир сепиб ийланган қаттиқча нонни ботириб ейилса, гар-гар терлатади, ўраниб ётиб, бир ўхлаб турса, киши тетик бўлиб қолади.

Риштонликлар бу йил 3-қурилиш трестига қарашли 85-механизациялашган кўча колонна бинокорлари қўлидан яхши тортиқ олишди. Лойиҳа қиммати 530 минг сўмлик дорихона ишга туширилди.

Шу кунларда Асатилло Ёдгоров мудирлик қилаётган 8-дорихона ходимлари аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: дорихона мудирлиги ўринбосари Абдумажид Саримсоқов Риштон тумани ИИБ ходими милиция кичик сержанти Баҳодир Ҳасановга хизмат кўрсатмоқда.

Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегия МВД Республикаси Ўзбекистон 26399 нусхада чоп этилди.